

2026-yil — Mahallani rivojlantirish va jamiyatni yuksaltirish yili

Болалигимдан Ўзбекистон тарихи, унинг бой маданияти, санъати ҳақида қизиқа бошлаганман.

Айниқса, ўзбек санъати, хусусан чолғучилиги, миллий фольклор маданияти мени ҳамиша мафтун этиб келган. Мана шу қизиқишларим, мамлакатингизга бўлган интилишим охир-оқибат мени серкуёш Ўзбекистонга чорлади.

Японияда “Guliston dance” номли миллий фольклор ансамбли мавжуд. Ушбу ансамблнинг ўзбек миллий чолғу санъатига бўлган қизиқиши катта. Икки йил муқаддам илк бор “Бойсун баҳори” фольклор фестивалида иштирок этиб, фахрли учинчи ўринни олганмиз. Мен ўзим дуторда чиқиш қилганман. Ўзбек миллий мусиқа санъатига бўлган қизиқишим кучайиб, бу соҳада профессионал даражада билим ва тажрибага эга бўлишни ният қилдим. Мана, бугун ўша ниятларим амалга ошиб, айни пайтда Юнус Ражабий номидаги ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг магистратура босқичида чолғу ижрочилиги (анъанавий чолғулар) йўналишида таҳсил оляпман. Ўзбек миллий чолғу асбоблари, жумладан, дутор чалишни яхши ўрганиб олдим. Устозим Гўзал Мўминова бу борада менга яқин кўмақдош ва у кишининг ғамхўрлигида дуторда ижро этишининг ўзига хос сир-асрорларини ўрганапман.

Ўзбекистонда икки йилдан буён яшаб, таҳсил оляпман. Бу ерга келишдан аввал ўз олдимга аниқ мақсадларни қўйганман. Шундан келиб чиқиб мен нафақат ўзбек миллий чолғулари ҳақида, балки халқингизнинг бой миллий анъаналари, урф-одатлари, шу жумладан, миллий хунармандчилиги билан ҳам яқиндан танишиб, изланаяман. Айниқса, Бойсун мени янада мафтун этди. Бойсун нафақат Ўзбекистон, балки дунёда ҳам камдан-кам учрайдиган ўзига хос макон. Бу ерда кўплаб танишлар орттирдим, хунармандлар билан дўстлашдим.

Чиндан ҳам Бойсун маданий муҳити ноёб ҳодиса. Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан бу муҳит бекорга дунёнинг номоддий мероси рўйхатига киритилмаган. Бир қарашдаёқ бу ерда

ЎЗБЕКИСТОННИ СЕВИБ ҚОЛДИМ

BOHCEYX EA MEHI O'ZBADA MAFMUYX EMDI

барча-барчаси ўзига хос, бетакрор эканлигини англайсан. Этнография ва фольклорнинг барча кўриниши жамланган бу ерда. Ҳатто ҳар бир қишлоқ, ҳар бир маҳалланинг ўзига хос маданий муҳити, колорити, ҳаёт тарзи бор. Шахсан ўзим Бойсунни дунё маданияти бешикларидан бири деб ҳисоблайман.

Бойсун, унинг маданияти, ҳаёт тарзи ҳақида

ти билан бу йил “Бойсун баҳори” ўн кун давом этди. Фестиваль тарихида бунақаси бўлмаган экан. Қолаверса, дунёнинг бошқа бирор-бир маконидан ўн кун давом этадиган маданий фестиваль борлигини билмайман. Ўн кунлик муддатга белгиланган дастурлар ҳам тигиз, ранг-баранг, зерикашга имкон йўқ. Шунинг ўзиёқ воҳа маданий муҳити, фольклор санъати, урф-одатлари, анъаналари қанчалик бой ва хилма-хил эканлигини англапти.

Айтмоқчи, юқорида тилга олганим ансамблимиз фаолияти билан боғлиқ бир воқеани маълумот сифатида айтиб ўтай. Ўзбекистонда каштачилик санъати жуда ривожланган. Айниқса, Бойсун каштачилик санъати бизга алоҳида таассурот қолдирган. Бойсун каштасига бўлган эътибор ва эътирофимиз натижаси ўлароқ Японияда фаолият кўрсатаётган ансамлимиз учун бойсунлик хунармандлар томонидан махсус кашталиқ либослар тиктирдик. Бугун улар ўз дастурларида ушбу либослар билан саҳнага чиқиб, Бойсун каштачилик санъатини мамлакатимизга, бутун дунёга тарғиб қиляптилар.

Фестивалдан ўзим кутганимдан ҳам кўпроқ таассуротлар билан қайтаяпман. Бу таассуротларим мени Бойсун ҳақида, унинг бой маданий муҳити, фольклор санъати ҳақида янада кўпроқ нарсалар билишга, ўрганишга ундаяпти. Мен Ўзбекистондан, Бойсундан ҳеч қачон узоқлашмасам керак. Бу яқинлик мен томонидан ўзбек-япон маданиятини янада яқинлаштириш, санъат, маданият ва миллий анъаналар ривожини доирасида ҳамкорлик қилишга ундаса ажабмас. Зотан, Ўзбекистон ва Япония халқларининг ўзаро биродарлик ришталарининг янада мустаҳкам бўлишида маданий ҳамкорлик энг муҳим омил бўлиб қолишига ишонаман.

Машу КОМАЗАКИ, Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти магистранти. Япония.



“БОЙСУН БАҲОРИ”

Бойсун тоғлар диёри, гўзал оромбахш чаман, Сехрли санъатингга бутун жаҳон орзуманд. Куй ва қўшиқ садоси яна бўлди жамулжам, Навобахш улуснинг сўнмас навоси, “Бойсун баҳори” бу, “Бойсун баҳори”.

Дилкаш давраларда баҳорий суҳбат, Қалбларга кўчгандир қўшиқлар сехри. Меҳмонга келишган турфа эл, миллат, Дилкушо давралар файзу оҳори, “Бойсун баҳори” бу, “Бойсун баҳори”.

Гўзаллик байрами, гуллар байрами, Қўрғон, расталардан жой олган бари, Унга жо этилган инсон хунари, Уста чеварларнинг заҳматли кори, “Бойсун баҳори” бу, “Бойсун баҳори”.

Бир ёнда достону, бир ёнда алёр, Шўхчан қўшиқларда куйланар баҳор, Шоирлар назмида баҳорий ашъор, Назм ва навонинг туташган жойи, “Бойсун баҳори” бу, “Бойсун баҳори”. Ёқуб ҚАНОАТ.



Туризм соҳасига бўлган қизиқишим ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларимдаёқ шаклланган.

Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимиз туризм соҳасида юз бераётган юксалишлар ҳамда халқаро ва маҳаллий туризм мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, янги иш ўринларини яратишда энг муҳим йўналишлардан бирига айланаётгани мени келажақда шу соҳа эгаси бўлишга ундади. Бу йилги ўқиш амалиётим айнан “Бойсун баҳори” фестивали билан боғлиқ бўлгани эса туризм хизмати соҳасида ҳозирча билмаган кўпгина нарсалар ҳақида билишим учун ажойиб имконият бўлди.

Амалиёт давомида кўплаб хорижий меҳмонлар ва санъаткорлар билан суҳбатда бўлдим. Уларнинг бизнинг фольклор этнографиямиз тарихи, умуман маданиятимиз, турмуш тарзимизга бўлган муносабатлари билан қизиқдим. Омадни қарангки, бу йилги фестивалга аввалгиларига қиёслаганда энг кўп хорижий сайёҳлар ташриф буюришган экан. Мулоқотлар, суҳбатлар, фикр олишлар ҳам шунга мос бўлди. Муҳими, амалиёт баҳонасида фестивал дастури доирасида дунёнинг ўнлаб мамлакатларининг тарихи, маданияти, жумладан, фольклор маданияти билан танишиш имкониятига эга бўлдим. Ўзимизнинг фольклор санъатимизнинг бугунгача мен билмаган кўплаб қирралари ҳақида тасаввурларим бойиди. Менинг хаёлимда, Бойсун гўёки дунё маданиятлари марказига айлангандек бўлди, десам хатоликка йўйманг. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида урушлар ва ўзаро келишмовчиликлар бўлиб турган бир пайтда тинчликсевар мамлакатимизда мана шундай халқаро даражадаги маданий тадбирлар ўтказилаётгани, санъат, маданият орқали дўстлик ва биродарлик ришталари боғланаётгани – бу давлатимиз, муҳтарам Президентимизнинг оқилона

сиёсатининг натижаси деб ўйлайман.

Фестивал иштирокчилари, хорижий сайёҳ ва меҳмонлар томонидан юртимиз ҳақида, хусусан, Бойсун ҳақида, Бойсуннинг одамлари, маданий муҳити, табиати ҳақида турфа илиқ фикрлар эшитиш шу тупроқда туғилиб ўсган мен учун ҳақиқий шараф эди. Фестивал доирасида хорижий сайёҳларнинг Бойсуннинг бетакрор табиати, қадамжолари, қадимий масканлари бўйлаб қилган саёҳатлари, бу саёҳатлардан олинган ҳаяжон ва ҳайратларига гувоҳ бўлганимнинг таассуротлари-чи?..

Менинг тасаввуримча “Бойсун баҳори” шунчаки фестивал эмас, балки миллий-

ФЕСТИВАЛДА АМАЛИЙ БИЛИМЛАРИМНИ ОШИРДИМ



маданий меросимизни дунёга танитувчи, маданий алоқаларни мустаҳкамловчи йирик халқаро анжуман бўлди. Фестиваль менга туризм ва меҳмондўстлик соҳасида янада масъулият билан изланиш, ўрганиш, ишлаш, юртимизнинг гўзал масканларини дунёга танитиш йўлида илҳом бағишлади, қалбимда ҳақиқий баҳорий шабада каби унутилмас из қолдирди. Талаба сифатида меҳмонларга хизмат кўрсатиш, ҳудудларнинг туристик салоҳиятини тарғиб қилиш жараёнларида фаол қатнашиб, назарий билимларимни амалиёт билан бойитдим.

Гулҳаё РАШИДОВА, Фарғона озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро институти туризм ва меҳмондўстлик йўналиши, 2-босқич талабаси.



Бу йил илк маротаба “Бойсун баҳори” фестивалида иштирок этяпман.

Бир неча марта ният қилгандиму, манзилнинг олислиги туфайлими, келолмаганман. Бироқ, бу йилги анжуман ҳақидаги маълумотлар билан танишиб, Бойсунни кўриш, бойсунлик хунармандлар билан танишиш, Бойсун миллий хунармандчилиқ санъати ҳақида яқиндан тасаввур олиш иштиёқи туғилди.

Очиғи, фестивал ўтаётган туризм мажмуасига келиб оқ фестивал руҳи, жозибасини ҳис қилдим. Ўзимга қулай майдонда маҳсулотларимни жойлаштириш учун савдо нуқтаси ажратилди. Тайёрлаб келган хунармандчилик маҳсулотлари – аёллар ва эркеклар миллий либослари, дўппилар, мунчоқ безакли тақинчоқлар, тиллақошлар ва бошқа ўнлаб турдаги маҳсулотларнинг ҳам харидорлари чиқиб қолди. Уч кун ичида анчагина маҳсулотларимни сотиб олишди.

Аслида хунарманд учун маҳсулотларининг харидорчилиги икки жиҳат учун муҳим. Биринчидан, биздан харид қилинган маҳсулот энг аввало турли манзилларга тарқалади, бинобарин, маҳсулотимиз ва ўзимиз ҳақимизда кўпчилик хабардор бўлади. Иккинчидан, хунарманднинг меҳнати оғир ва машаққатли, кўп вақт талаб қиладиган жараён бўлгани учун тайёр маҳсулотларнинг туриб қолмаслиги, тезроқ ўз харидорини топиб кетиши фаолиятимизнинг бардавомлигини таъминлайди.

“БОЙСУН БАҲОРИ”ДА ИШТИРОҚИМДАН МАМНУНМАН

Фестивал баҳонасида жуда кўп танишлар орттирдим, Бойсундек жаннатмакон юрт билан яқиндан танишдим. Дунёнинг етти иқлимидан келган хорижликлар билан суҳбатлашиб, уларнинг маданияти, урф-одатлари, миллий халқ хунармандчилигининг ўзига хос жиҳатлари хусусида тасаввурларга эга бўлдим. Айниқса, фестиваль



иштирокчилари, меҳмонлари, умуман ташриф буюраётган ўн минглаб томошабинлар учун бу ерда яратилган шароитларни кўриб, қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Ҳар бир туманлар томонидан барпо этилган қўрғонларда ўзига хос мазмун, ўзига хос қайнаб турган ҳаётни кўрасиз. Ўзимизнинг вилоятлар, хориждан ташриф буюрган мамлакатлар бадийи жамоаларининг чиқишларида эса ҳақиқий фольклор санъатининг жозибасини ҳис этасиз.

Дарвоқе, мен хунарманд сифатида бошқа вилоятлар, ҳудудларнинг ҳам хунармандчилик санъати билан қизиқаман. Ўтган

йил Тошкентда бўлиб ўтган хунармандлар форумида бойсунлик каштадўз хунарманд Малика опа билан танишгандим. Икки кун Малика опа менга Бойсун каштачилиги бўйича дарс бердилар, Бойсун кашталарининг ўзига хос сирлари билан таништирдилар. Бойсунга келиб ҳам устозим билан боғланиб турдим, бўш вақтида у киши билан каштачилик борасида “мастер класс” ўтказдик. Ишларимда Сурхон кашталарининг ўзига хос орнаментлари, йўналишларини қўллашни ният қилганман.

Фестивалда иштирок этганимдан мамнунман. Келгуси фестивал учун эса алоҳида тайёрланиб келишга аҳд қилдим. Чунки “Бойсун баҳори”нинг даражаси, нуфузи мен ўйлаганимдан, тасаввур қилганимдан анча баланд экан. Демак, биз хунармандлар ҳам шунга муносиб даражада бўлиб келишимиз керак.

“Хайр” эмас, “яхши қолинг” деб кетяпман, чунки биз яна кўришамиз. Бойсунни кўрмаган, фестивалга келолмаганларга эса “бу гўзалликлардан бебаҳра қолманг” дегим келади...

Диловар НОРБЎТАЕВА, хунарманд, Бўка тумани.



Ekologiya sohasidagi huquqbuzarliklar uchun sanktsiyalar

O'zbekiston Respublikasining “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiatdan foydalanish sohasidagi huquqbuzarliklarni sodir etganlik uchun javobgarlik kuchaytirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish to'g'risida”gi Qonuni (O' RQ- 114-son, 04.05.2026 y) bilan ayrim qonun hujjatlariga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritildi.

Kiritilgan o'zgartirishlarga ko'ra, ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiatdan foydalanish sohasidagi huquqbuzarlikni sodir etganlik uchun **moliyaviy sanktsiyalar** joriy etish belgilandi. Unga ko'ra, daryolarning o'zanlarini tozalashga va qirg'oqlarni mustahkamlashga doir ishlarni amalga oshirish tartibini buzganlik uchun yuridik shaxslarga nisbatan atrof-muhitga yetkazilgan zararning **3 baravari miqdorida** jarima tarzidagi moliyaviy sanktsiyalar qo'llaniladi.

Suvlarni ifloslantirganlik, shuningdek, suv ob'ektlariga oqova suvlarni oqizishga yo'l qo'yish shartlari to'g'risidagi talablarni buzganlik uchun yuridik shaxslarga nisbatan atrof-muhitni ifloslantirganlik uchun to'lanishi lozim bo'lgan kompensatsiya to'lovining **10 baravari miqdorida** jarima tarzidagi moliyaviy sanktsiyalar qo'llaniladi. Yuridik shaxslarga tegishli bo'lgan yoki ularga birliktirilgan hududdagi daraxtlarni muhofaza qilish va saqlashga doir qonunchilikda belgilangan choralarni to'lamaganlik uchun yuridik shaxslarga nisbatan atrof-muhitga yetkazilgan zararining **5 baravari miqdorida** jarima tarzidagi moliyaviy sanktsiyalar qo'llaniladi.

Mazkur qonun rasman e'lon qilingan kundan e'tiboran 3 oy o'tgach kuchga kiradi.

Nodir MAMADIYEV,
Boysun tuman adliya bo'limi boshlig'i.

Мамлакатимизда таълим тизимида инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолат тамойиллари устувор аҳамият касб этмоқда. Бу, биринчи навбатда халқро таълим талабларидан келиб чикувчи жараёндир.

Зеро, ривожланган мамлакатларда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам ҳар бир бола қандай жисмоний ёки руҳий ҳолатда бўлишидан қатъий назар, сифатли таълим олиш ҳуқуқига эга.

Шу ўринда, мамлакатимизда алоҳида таълим эҳтиёжларига муҳтож бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш ҳамда замонавий таълим хизматларидан тенг фойдаланиш имкониятини яратиш

Инклюзив таълим – тенг имкониятлар эшиги

борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги ПК-4860-сон қарори билан тасдиқланган “2020-2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш концепцияси” бу борада муҳим дастуруламал ҳужжат бўлди, дейиш мумкин. Мазкур қарор мамлакатимизда инклюзив таълимни ривожлантириш, алоҳида таълим эҳтиёжларига муҳтож бўлган болаларга сифатли таълим-тарбия бериш,

уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг мутлақо янги босқичини бошлаб берди.

Инклюзив таълим – бу алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болаларни соғлом тенгдошлари билан бир муҳитда ўқитиш, уларнинг ижтимоийлашуви ва таълимга ҳаётига мослашувига қўмаклашиш тизимидир. Бу ёндашувда боланинг нуқсони эмас, балки унинг имконияти эътиборга олинади. Яъни, жамият болага мослашади, бола жамиятдан четда қолмайди. Юқорида тилга олинган қарорда алоҳида таълим эҳтиёжлари

бўлган болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини кафолатлаш, умумтаълим мактабларида инклюзив таълимни босқичма-босқич жорий этиш, малакали педагог кадрларни тайёрлаш, махсус педагоглар ва тьюторлар фаолиятини йўлга қўйиш, таълим муассасаларида тўсқисиз муҳит яратиш, аҳоли ўртасида инклюзив маданиятни шакллантириш каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу вазифалар Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш ғоясининг амалий ифодасидир.

Инклюзив таълимнинг энг муҳим жиҳати шундаки, мактаб

барча болалар учун ягона ва очик масканга айланади. Авваллари алоҳида эҳтиёжга эга болалар асосан ихтисослаштирилган муассасаларда таълим олган бўлса, бугун улар умумтаълим мактабларида ҳам тенгдошлари билан биргаликда ўқиш имкониятига эга бўлмоқда. Бу эса уларда ўзига нисбатан бўлган ишончни оширади, жамиятда тенглик маданиятини мустаҳкамлайди.

Инклюзив таълим – бу фақат таълим соҳасидаги ислохот эмас, балки жамият тафаккурининг янгиланишидир. Бу алоҳида эҳтиёжли болаларга ёрдам бериш

эмас, балки уларнинг табиий ҳуқуқларини тан олишидир. Ҳар бир бола мактабга кирганда ўзини бегона эмас, балки қадрли ва керакли инсон сифатида ҳис қилиши керак. Чунки имкониятлар турлича бўлиши мумкин, аммо инсон қадри барча учун бир хилдир.

Бугун инклюзив таълим орқали минглаб болалар ҳаётида янги саҳифа очилмоқда. Бу саҳифада меҳр бор, эътибор бор, имконият бор. Энг муҳими – келажак бор. Янги Ўзбекистонни барпо этишда бирор болани ортда қолдирмаслик энг олий мақсадлардан биридир. Инклюзив таълим эса ана шу эзгу мақсад сари элтувчи энг адолатли ва тўғри йўлдир.

Шахбоз МУРТАЗАЕВ,
юрист.

Бувимнинг бир чимдим меҳри

Ҳар йил Хотира ва қадрлаш куни арафасида ҳаётимдаги энг азиз инсонлардан бири – момонни хотирлайман. Бу гал эса қалбимда йиғилиб қолган дардларимни қоғозга туширишга қарор қилдим.

Бувим мен учун оддий инсон эмасдилар. У киши уйимиздаги меҳр, дуо, фойз ва қут-барака эдилар. У киши бор пайтда ҳаммаси бошқача эди. Уйимизда қандайдир хотиржамлик бор эди. Чунки ботиримизда ҳар эрта дастурхон атрофида оқ фотиҳасини қанда қилмовчи дуогўй инсонимиз бор эди. Ҳозир эса... гўё уйимизда жим-житлик ҳукмрондек туюлади менга.

Ана шу жимлик ичида бувимнинг майингина овозларини соғинаман.

Қабрларини зиёрат қилишга борганим, бувим билан ғойибона суҳбат қилган онларимда вақт қандай тез ўтишини ва мана шу қисқа умримиз давомида атрофимиздаги кўп воқеа-ҳодисаларга бепарво бўлишимиз, жумладан, яхши одамларимиз ҳам биз учун боғлаб қўйилмагани, уларнинг меҳридан қониб қолишимиз керак эканлигини англагандек бўламан.

Кечагина дуосини олиб юрганим – қадрдон инсоним бугун хотирага айланди. Болалигимнинг энг илиқ кунлари бувим билан боғлиқ. Ҳозир ҳам эсласам, у кунларни бувимсиз тасаввур қилолмайман. У кишининг меҳрибон нигоҳлари, оддий насиҳатлари, дуога очилган қўллари ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди.

Бугун бир нарсани чуқур англадим: инсон бу дунёда қилган яхшилиги-ю, бошқалар қалбига қолдирган бир чимдим меҳри билан қоларкан. Бувим ҳам мен учун, бутун оила аъзоларимиз учун ҳеч қачон хотирамдан кетмайдиган меҳр, оқибат қолдириб кетдилар... Оллоҳ таоло жойларини жаннатлардан қилсин. Рўҳлари шод бўлсин!

Бувим энди орамизда йўқ бўлсалар ҳам ўша бир чимдим иссиқ меҳр туфайли қалбимда мангу яшайдиҳлар!

Шахбоз МУРТАЗАЕВ.

Устоз Тангрикул ака Бўриев ҳақида дастлаб бобомдан эшитганман.

Адабиёт, шеърият шайдоси бўлган бу инсон билан суҳбатлашсангиз маънавий бўстонига тушиб қолгандек бўласиз. Устоз, агар сиз хоҳласангиз, замонавий ўзбек шеъриятининг деярли барча намоёндалари ижодидан сизга истаганча намуналар бўлиб берадилар. Бундан ташқари, халқ мақоллари, латифалари билимдонлигида ҳам у кишидан ўтиб

бўлмайди. Тангри ака кириб борган давра, гап-гаштаклар ҳамиша шеърхонлик, маталхонлик билан қизийди. Эшитганимга кўра, у кишининг мана шу хислатлари боис мудом шеърият муҳлисари, адабиёт муҳлисларининг давраларини олиб боришга тақлиф қилишар экан.

Устоз нафақат шеърият муҳиби, балки ўзлари ҳам дурустгина ижодкорлар. Айниқса, халқона йўлда ёзган ижод намуналари таниқли санъаткорлар, фольклор жамоалари томонидан кўйга солиниб, қўшиқлар қилинган. Жумладан, Бойсун туманида фаолият кўрсатаётган “Бойсун”, “Шалола”, “Бойчечак”, “Қурайли” каби фольклор этнографик

ансамбллари билан ижодий ҳамкорликлари жуда сермахсул. Шахсан ўзим “Бойсун баҳори” фестивали кунларида Тангрикул Бўриевнинг ушбу жамоалар билан бўлган ижодий ҳамкорлигига гувоҳ бўлдим.

Маълумки, ҳар доимги анъанага кўра бу йилги фестивалда ҳам фольклор-этнография йўналишидаги бадий жамоалар баҳсида Бойсун туманидан иштирок этган жамоа яна голиб бўлиб, ушбу нуфузли халқаро анжуманнинг олий мукофотиغا сазовор бўлди. Эътиборли жиҳати шуки, мана шундай юқори даражада эътироф этилган сахна чиқиши дастуридан жой олган фольклор йўналишидаги 5 та қўшиқ – “Сумалак”, “Қўпон”, “Бойчечак”, “Соци узун қизлар” ҳамда “Сигир соғиш” ялларларининг матни айнан Тангрикул Бўриевнинг ижодлари маҳсули. Айниқса, “Сигир соғиш”, “Сумалак” сахналари ўз жозибаси, матн мазмуни ҳамда ихро уйғунлиги билан нафақат томошабинлар, балки юқори нуфузли халқаро ҳақамлар аъзоларининг ҳам эътирофига сазовор бўлди. Мана бу сатрларда қадим миллий урф-одатларимиз, миллий анъаналаримиз

Ер ости бойликлари - инсоният учун энг муҳим табиий ресурслардан биридир.

Ушбу бойликлар саноат, энергетика ва иқтисодиёт ривожига муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш долзарб масала ҳисобланади.

Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш учун бир нечта чораларни амалга ошириш зарур. Аввало, қазиб олиш жараёнида замонавий ва хавфсиз технологиялардан фойдаланиш керак. Иккинчидан, фойдали қазилмаларни тежаб ишлатиш ва қайта ишлаш тизимини ривожлантириш лозим. Масалан, металл чиқиндиларини қайта ишлаш орқали янги ҳом-ашё сарфини камайтириш мумкин. Шунингдек, қазиб олиш ишлари тугаган ҳудудларни қайта тиклаш ҳам катта аҳамиятга эга.

DALA CHETLARIGA EKIN EKISH MUHIM

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 30-dekabrda "Qishloq xojaligi maydonlaridagi qo'shimcha imkoniyatlardan foydalangan holda mahsulot yetishtirishni ko'paytirishga doir chora-tadbirlar togrisida"gi PQ-465-sonli qarori qabul qilingan edi.

Qaror ijrosini ta'minlash maqsadida tumanimizda faoliyat yuritayotgan dehqon va fermer xo'jaliklari rahbarlari va a'zolariga qishloq xo'jaligi yerlaridan oqilona va samarali foydalanish, dala chetlarida ekin maydonlarini bo'sh qoldirmaslik, eksportbop va raqobatbardosh mahsulotlarni yetishtirish bugungi kunning dolzarb vazifalaridan biri

турган ва биринчи бўлиб ўзи жангга кирган. Умирининг охиригача улуғ инсонлардан, устозлардан илм олишни қанда қилмаган.

Темурийзода Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолияти илм инсонни буюкликка кўтарая оладиган, мангуликка дохил қилувчи беқийёс куч, манба эканлигини кўрсатувчи ҳаётий мисолдир. У улкан давлат ҳукмдори бўлиши қаторида илм-фан, хусусан, фалакийёт илми билан ҳам чуқур шуғулланиб, ўз даврининг тенгсиз олими сифатида танилди.

БУЮҚЛАР ҚАНДАЙ ЯРАЛАДИ?

Унинг яратган расадхонаси, қолдирган илмий меъроси бугунгача ҳам дунё аҳлини ҳайратга солиб келади. Улуғбек ҳукмдор сифатида ўз ишлари билан кифояланиб қолиши ҳам мумкин эди. Бирок, у болалигидан фалакийёт илмига қизиқди, уни ҳукмдорликдан ҳам осмон жисмларини ўрганиш, юлдузлар билан сирлашиш кўпроқ қизиқтирар эди ва шу мақсадга эришиш учун ҳамма нарсасига тайёр турди. Ўз атрофига олимлар, илм аҳлини йиғди. Фалакийёт илмини ўрганди ва шогирдларига ҳам ўргатди, илмини тарғиб қилди. Илм-фанны деб ҳатто тахтдан воз кечишга ҳам тайёр турди. Эътиқоди, мақсадларидан қайтмагани боис ўз

фарзанди томонидан қатл эттирилди...

Буюкликка интилувчи инсонлар, бошқалардан фарқли ўлароқ қийинчиликлар олдида иккиланиб қолишмаган. Улар муаммоларни тўсиқ деб эмас, балки имконият деб билишган. Ҳаётда ҳамма ҳам турли тўсиқлар, муаммоларга дуч келади, лекин ҳамма ҳам уларни енгиб ўтавермайди. Фақат ўз олдига аниқ мақсадлар қўйганларгина, олдинга интилувчиларгина ва буюк мақсадлар йўлида кўрков

нималигини билмаганларгина уларни енгилни уddалаганлар.

Буюкликка интилиш ва эришининг яна бир муҳим омили – бу, шахсиз меҳнатсеварлик ва сабр-тоқатдир. Шон-шараф, буюклик бирданига келадиган, эришилладиган нарса эмас. У узок вақт ҳамда машаққатни талаб қилувчи жараён. Яна бир жиҳати шундаки, буюкликка интилиш янгича фикрлашни ҳам талаб қилади. Оддий одамлар мавжуд, тайёр йўлдан юришни афзал кўради, буюқлар эса янги йўл очади. Улар бошқалар ўйламаганин ўйлаш, бошқалар уddалай олмаган ишни қила олиш қуввайи ҳофизасига эга инсонлардир. Шу сабаб уларга

тарихда из қолдиришдек буюк бахт, қисмат насиб қилади. Яна, улар нафақат ўзлари учун, балки бошқалар учун ҳам яшашни ўйлайди, наинки ўз манфаати, балки бошқалар манфаати, юрт, Ватан учун ҳам интилишга ҳаракат қилишади.

Инсон Ҳақ ҳукми билан дунёга келади. Тақдирни эса уларнинг ўзлари яратади. Юқорида санаб ўтилган буюқларга хос фазилатлар инсонни бутун ҳаёти давомида безовчи, яхшиликларга ундовчи ўнлаб, балки юзлаб хислатлардан саноклисигина. Ҳар бир инсон шу фазилатларни ўзида мужассам эта олиш орқали ҳаётда жуда кўп нарсаларга, ҳатто Улуғбек, Навоийлар каби буюкликка эриша олиши мумкин. Зеро, буюклик фақат танланганларга эмас, балки ҳаракат қилганлар, интилганларга насиб этади.

Фотима АБДУРАУПОВА,
Тошкент Давлат шарқшунослик университети “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар йўналиши 1-босқич талабаси.

Зухра АБДУРАУПОВА,
Тошкент Давлат шарқшунослик университети “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар йўналиши 1-босқич талабаси.

ЖИНОЯТНИНГ КЎЧАСИ ТОР

Санжар Норалиев (исм-шарифи ўзгартирилган) мукаддам икки марта судланган бўлса-да, жиноят ҳуморидан чиқолмади шекилли, ўз вақтида судлар томонидан унга берилган имтиёзлардан хулоса қилмай, яна жиноят кўчасида ўзини синаб кўрмоқчи бўлди.

Айни пайтда Қизирик туманида истикомат қилувчи ушбу фуқаро 2025 йилнинг 26 октябр кунида таниши бўлган Раҳимбаев Муҳриддиннинг ишончига кириб, унинг бир бош ҳўкизини 35 миллион сўмга савдолашиб, келишилган пулни уч кун муддатда бериш шарти билан олиб кетади-ю, қайтиб қорасини кўрсатмайди. Унинг олдиндан тузган жиноий режасидан беҳабар Раҳимбаев қарасаки, пул ҳам, ҳўкиз ҳам қўлдан кетгулик. Бирок, шундай бўлса-да, у Санжарбой билан муроса-мадора қилиб, бир муддат яна қутушни афзал кўради, ҳарна бўлса-да таниши. Худо инсоф бериб, пулни қайтарса керак, деган фикрда умидини узмади.

Аммо пихини ёрган Санжар Норалиев пулни қайтариш ҳақида ўйламади ҳам, аксинча 35 миллионга келишилган ҳўкизни бошқа бир мижозга 26 миллионга пуллаб, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборди. Бундан ташқари, ўзгага 35 миллион сўм зарар келтиргани камлик қилган шекилли, қилган жинояти учун жавобгарликка тортилмагандиган фойдаланиб, орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай яна бир фуқаро – Наврўзбек Бердиевни ҳам чув туширади. 2025 йилнинг 19 ноябрда “Дўстлик” маҳалласида жойлашган Қизирик туман тиббиёт бирлашмасининг рентген бўлими хизмат хонасида қувватлагичга улаб қўйилган, фуқаро Б.Бердиевга тегишли 1 дона SAMSUNG-A35 русумли телефон аппаратини ўғирлаб кетиб, унга 850000 сўм моддий зарар етказади.

Санжар Норалиев бир муддат жинояти фош этилмаслигига ишониб ҳам юрди. Бирок масала судгача етиб келгач, ҳар икки жиноятини хаспўшлаш учун турли баҳона-ю важларни ўйлаб топишга ҳаракат қилиб кўрди. Афсуски, унинг баҳона-важлари тергов давомида аниқланган далиллар ҳамда жабрланганлар томонидан берилган гувоҳликлар олдида пучга чиқди. Оқибатда жиноят ишлари бўйича Қизирик туман судининг 2026 йил 9 апрелдаги ҳўкми билан унинг қилмиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан малакаланиб, беш йилу уч ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Акрам ЧАРИЕВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат қилиш бўлими бошлиғи.

Жўрабек ТЎХТОВЕВ,
Қизирик туман прокуратураси терговчиси.



қилиш ҳар бир инсоннинг келажак авлод олдидаги бурчидир. Агар биз бугундан табиатга эҳтиёткор муносабатда бўлсак, келажак авлод ҳам ушбу бойликлардан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Н.ТОҒАЙМУРОВОВ,
Экополициянинг Бойсун туман бўлими етакчи мутахассиси.

У.БОЙМАТОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси Бойсун туман партия ташкилоти раиси.

ekanligi haqida tushuntirish ishlari olib borildi. Shu munosabat bilan barcha dehqon va fermer xo'jaliklari tomonidan dala cheti yer maydonlariga o'z vaqtida ekin ekish agrotexnik tadbirlarni to'liq amalga oshirish zarurligi takidlandi. Shuningdek, dala chetlarida hamda aholi tomonidan qorqasi, xonadonlar va ko'p qavatli uylar oldi, mahallalarning ichki ko'chalarida ekish uchun hududlarning tuproq-iqlim sharoitiga mos urug' va ko'chatlar tanlab olish va agrotexnik amaliyotlar bajarish yuzasidan tavsiyalar berildi.

Qaror ijrosi yuzasidan dala chetida reja bo'yicha ekin ekmagan fermer xo'jaliklariga nisbatan qarorda ko'rsatilgan soliq miqdori ko'p qavatli uylar oldi hamda Agroiinspeksiya tomonidan belgilangan tartibda jarima choralari qo'llash ko'zda tutilgan.

A.ESHPO'LATOV, O'simliklar karantini va himoyasi bo'limi boshlig'i.
S.MAHMUDOV, O'simliklar karantini va himoyas inspektori.

(Боши ўтган сонда)

Одил Бадахший Саъдий Шеързийнинг шундай мисралар билан бошландиган ғазалини ўқиди:

Узоқдаги ёр билан кўришишнинг қандай завқи борлигини биласанми?

Бу чанқоқ сахрога ёмғир ёғдирувчи булутдир.

Эй таниш ифор, биламан сен қайси диёрлардан эсиб келгансан, Маҳбуба билан учрашув хабари – жон учун ҳаёт бахш этувчи хабардир, дея дўстони бағрига тортиди. Дўстлар самимий кайта-кайта бир-бирларини дўстона ўпардилар. Ўқиш тугагандан кейин уч йил давомида бир-бирларини кўрмаган эдилар. Биз унча катта бўлмаган, лекин иссиқкина хонага жойлашдик. Дастурхон устида ҳар хил ноз-неъматлар, турфа таомлар муҳайё эди. Ўша кеча дастурхон устида ёшлик йилларини, шахид кетган дўстларни хотирладик. Эртаси куни Абдурауф бошчилигидаги гуруҳлар олдинроқ йўлга тушилди ва биз ҳам уларнинг ортидан Гардез шахрига йўл олдик.

Карим Одил Бадахший бизнинг хавфсизлигимиз учун мавжуд барча имкониятларни ишга соларди. Баъзан шундай меҳрибонлик ва эътибор кўрсатардики, одам ноқулай аҳволда қоларди.

–Эй биродар, тушунясанми йўқми, бу жангда биз шахид бўлсак бўлайлик, аммо сизлар эмас. Бу жой – бизнинг Ватанимиз. Биз ўзимиз-ўзимиз билан жанг қиламиз, кейин ўзимиз ярашамиз. Лекин дўстлар нима сабабдан бизнинг ички тўқнашувларимизга аралашапти? Уларнинг аралашуви самимий эмас, бу маккорона хизматни эсга солади. Сен очкўз одамнинг дўстлигини эслайсанми? – Мен бош қайайман. – Агар эсингда бўлса сенга шунга ўхшаш бир мисол келтираман.

–Майли!
–Азиз биродарим, тасаввур қилгин, гўё эр-хотин жанжаллашмоқда. Бир бегона уларнинг олдига келади, лекин нима сабабдан урушаётганларини билмай орага кириб, уларни ажратишга ҳаракат қилади. Эр ўша бегона эркакни хотини билан яқин алоқада деб гумон қилади, ёмон ўй-фикрларга боради ва охир-оқибат уларнинг жанги ажралиш билан тугайди. Ўзингиз ҳукм қилинг, эр-хотин ўртасидаги жанжалга бегона кишининг аралашуви тўғри эдимми?
–Йўқ, асло тўғри эмас эди, - унинг фикрини тасдиқлайман.

Ба ёди дўсти азиз, соҳибистеъдод, журналисти варзида ва шоири ҳассос Эркин Муким (Шохид) // Искандари МИРЗО.

Инсон дар давоми зиндаги агар дурусттар бо зехн ниғарад ба ҳама чиз мушарраф мегардидааст.

Гарчанд дар даври чавонӣ ба бисёр тазодҳои зиндагӣ сарфаҳм намеравӣ, бадӯ некандеширо фарқ карда наметавонӣ, боз ҳамон даврҳои чавониро ба ёд меорӣ... Охир он давру замонҳо пас намегардад. Таассуротҳои он рӯзҳои ширин ба хотираҳои аҷоиб табибӣ мегардидааст. Бо кию киҳо яқоя қор қардӣ. Кихоро фаромӯш кардӣ. Кихо туро тарк сохтанд. Кихо бо ту ҳол дўсту бародар. Дар зинаҳои пурасрори зиндагӣ худ аз худ меандеши. Дар бораи ақсари онҳо лаҳзаҳои муассирро ба қалам мекаши. Меҳояӣ ба насҳои оянда оиди ҳаёт ва фаолияти онҳо номае боқӣ гузори...

У бароям зинда аст. У намурадаст. Шеърҳои ӯ ҷовид монд. Шеърҳои давомдихандаи умри ӯянд. Эй дўст, қош боре туро маҳзун меидам. Кош рўзе бетабассуму беҳанда умр мегузaronидӣ. Кош ягона касе аз болои ту дурўғин бошад ҳам шиқоят ба ман меоварад. Кош дили ягон касеро меранҷонидӣ. Кош ягон шеърӣ шоғирдонаи маро гирифта рўям мезадӣ. Бе армон мешудам. Кош боре ба ман писханд мекардӣ. Қалби зебо, забони шево, шеърӣ воло, чашми бино, ақли расо, номи баланде доштӣ.

Гумон мекунам, ки қуллӣ иллатҳои бад аз ту мегурехт. Тунд-мичозонро чашми дидан надоштӣ. Ту ғамро бо ханда қушта метавонистӣ. Худованд симои туро лабрезӣ самимият офарнида буд. Ҳамеша дар лабонат табассуми, дар симоят самимияту ҳурмат хувайдо буд. Хандаи беғашу беолоиш ва безарар доштӣ. Назди шеърҳои ранго-рангӣ ту, ба дўстон чавобҳои саҳеҳи пуршиддати ту, ҳама чиз ҳеч буд. Дар майдони назми хеш ҳалолиро меҷустӣ. Исбот мекардӣ. Шеър зинда, шеър зиндагӣ ниғаҳ медорад. Аз ин хотир шеър мегуфти. Шеърҳои баландмазмун шеърҳое, ки касро ба фикру ҳаёл мебарду ба дарёи андеша ғўта мезанонд. Шеърҳое, ки ба қалб ҳарорати шоирона мебахшид. Фикру ҳаёли одамро мерабуд. Шунавандаро ба дунёи дигар ворид месохт. Хатто бадғўҳарҳо, бадбинону ноодамонро нис хислатҳои бадтарини худро аз шеърҳоят пайдо менамунданд. Баъзеҳояшон гўё худкушӣ мекарданд. Баъзеҳояшон ба тақдир тан меоданд. Ту онҳоро медонистӣ. Вале дар назди онҳо низ бо як самимияти ба худ хосу рафтори ибратбахш ҳаракат мекардӣ. Бовар доштӣ, онҳо аз рафтори ношоями худашон аз ту шарм медошанд. Чунки айбӯ хатоҳои онҳоро рӯ ба рӯ гуфта метавонистӣ. Онҳоро бо шеърҳои воломақомат сарзаниш мекардӣ. Онҳо шоириро бузургии туро чашми дидан надош-

– Агар шундай бўлса, унда неға дўстлар бизнинг ички ишимизга аралашапти? Бу аралашув бутунлай сиёсий хатоҳидир.

5 март куни Чимкентга етиб келдик. Чимкентдан Хўст вилоятига уч соатларда етиб бордик. Автомобиллар қатори тепалик томон етиб борди, шу пайтда мухолифат томондан ўқ-дорилар ва гранатлар ерга ёғдирилди. Мухолифатнинг бешта гуруҳини (дивизия) қамал қилдилар. Жануб тарафда, Покистон билан чегарадош олд томонда душман ва қуёшнинг нурига қарши туриб, милтиқ ва ўқ-дорилар, гранаталар ёғиларди. Ўқдан ва душманнинг узлуксиз гранаталаридан аскарлар ва офицерлар жароҳат олишарди ва шахид бўлишарди. Қўмондонлар жанг майдонида нишонларини аниқ жойларга ўрнатдилар. Очилган йўналишларга қарши ўт очилди, ўқ ва гранаталар шиддат билан жавоб бериб, душмани қаттиқ сиқиб чиқарди. Чангалзор ўрмонлар ям-яшил эди, булутлар тоғлар бағрига бош кўйган. Биз паноҳгоҳ ва

ВАТАН ТУПРОҒИНИ СОҒИНИБ...

хандақларга кириб жон сақлардик. Биз мушовиринлар билан бирга паноҳгоҳларга йўл олдик. Бу ишда бизга қўмондон Одил Бадахшийнинг аскарлари ёрдам беришди. Майин ёмғир бир маромда ёғарди. Гўё ношукр инсонларнинг ҳаракати ва қилмишларидан осмон кўз ёш тўкаётгандек эди. Минорадаги қоровул алангалар ёғилаётган томонга тикилиб, ҳар бир ҳаракатни ҳушёрлик билан кузатарди. Уларнинг ишораси билан тўплар олов сочаётган томонга бурилди, тўплар яна ўт очишга тайёрланар эди. Бу барча ҳарбий тартиб ва интизомга Карим Одил Бадахший бошчилик қиларди. Барча бўлинмалар махсус алоқа воситаси орқали унга ҳисобот бериб туришарди. Аскарлар бизнинг хавфсизлигимизни кузатиб туришарди. Ҳар лаҳза қўмондон бизга хандақлардан чиқмаслигимизни тайинларди. Баъзан Покистон чегарасининг Парчанор томонидан ўқлар ёмғирдек ёғилар, осмоннинг ўзи ҳам гўё алангага тўлгандек кўринарди. Баъзан жанг майдони қисқа нафас олгандек жимиб қолар, аммо орадан оз фурсат ўтиб яна оташ сочувчи қуроллар гумбирлаб, осмонни ларзага соларди. Жароҳатланганлар ва шахид бўлганлар сони тобора ортиб борарди. Самолёт ва вертолётлардан аскар

ҳам йўқ эди.

Шу тариқа жанг ўн еттинчи кун ҳам давом этаётган эди. Жангнинг дастлабки кунларида шахид бўлган аскарлар ва офицерлар ҳукумат раҳбарларининг буйруғи билан ям-яшил тепаликларга дафн этилди. Жанг шу қадар шиддатли эдики, жанг майдонини ишдан чиққан техникалар қолдиқлари тўлдирган эди. Наврўз айёми аллақачон етиб келган, аммо биз жангнинг шовқин-суронида бундан бе-хабар, тутун ва олов ичида кун кечирар эдик. Ўша кун ҳамма жой тинч ва сокин эди, душман биз томонга ўқ ёғдирмади. Қўмондон Одил Бадахшийнинг қароргоҳи биздан сал нарироқда эди. Шом яқинлашар, зулмат аста-секин атрофни ўраб олам эди. Шу пайт Одил Бадахший хавфсизлик ходими Фуломқодир билан бирга радио ушлаб бизнинг ёнимизга келди. У бизни бирма-бир бағрига босиб, Наврўзи олам билан муборакбод этди. Аскарлар қўмондоннинг топшириғи билан егулик ва ичимликларни муҳайё қилдилар. Ширин суҳбат бошланиб кетди. Суҳбат бошида барча шахид кетган биродарлар

ёғда олинди. Шу лаҳзада Фуломқодир радионинг қулоғини буради. Нотаниш ҳофизнинг майин, сеҳрли овози водий бағрида жаранглаб ҳар юракка илиқлик бахш этди.

“Эй Худо, бугун Наврўз айёми, бу дунё эса икки кунликдир!”

Барча ҳушёр бўлиб, ҳофизнинг ёқимли овозига қулоқ солиб, завқланишарди. Ниҳоят, яна Одил Бадахший ўша байтни қайта такрорлади.

–Азиз биродарим, – менга нигоҳини қадаб гапирди Одил Бадахший, – байтнинг маъносини англадингизми? Дарҳақиқат, дунё икки кунликдир. Биз ўша Наврўз кечасини тонггача самимий суҳбат билан ўтказдик. Қўмондон ўзимизни эҳтиёт қилишимизни ҳар лаҳза таъкидлаб турарди.

–Бу уруш – маъносиз урушдир, – дерди у. – Сиз бу ердан соғ-саломат ҳолда яқинларингизнинг олдига боришингиз керак.

Ўша кеча Одил Бадахший бизни ҳимоя қилиш учун бир неча аскарни тайинлади.

Йигирма учинчи кун булутлар бирдан нига тарқалди. Қобул, Ғазна ва Гардез шаҳарларидан самолётлар келиб мухолифларнинг қароргоҳини ўққа тутдилар.

Ҳарбий қисмининг бир қисми Чимкент до-вонидан ўтиб, Хўст томонга йўл олди. Биз довондан ўтаётган пайтимизда Карим Одил Бадахший бизга ўз зирҳли кийим-ларини бериб, имкон қадар тезроқ Хўстга олиб боришни буюрди. Биз бир неча мас-лаҳатчилар (мушовирин) билан бошқа бўлинмаларга қўшилдик. Йўлнинг ўрта-ларида зирҳли кийимдаги портловчи мод-да ишга тушиб, портлаш содир бўлди. Бир неча киши яраланди ва икки киши ҳалок бўлди. Шу тариқа, биз кечкурун Хўстга етиб келдик. Дарё соҳилида осойишта, ёқимли шаомл эсиб турган бир жойда тўхтадик. Шу пайт бизга қўмондон Аб-дурауфнинг ҳалок бўлганлиги ҳақида-ги совуқ хабар етиб келди. Барча мас-лаҳатчилар (мушовирин) бу нохуш ха-барни эшитиб, қаттиқ афсусланди-лар, аммо илож қанча...

Одил Бадахший ва тўпчилар бўлин-масидан эса ҳеч қандай дарак йўқ эди. Барча маслаҳатчилар (мушовирин) ва биз билан бирга келган аскарлар уни сабр-сизлик билан кутаётган эдик. Унинг кел-гани ҳақидаги хабар етиб келди. У мени бағрига босиб деди:

–Азиз биродарим, мен сизларга айт-ган эдим – бизнинг барчамиз бу биро-даркуш урушда шахид бўламиз. Энди ме-нинг навбатим келди.

Ўша кеча биз тўпчилар бўлинмаси қўмондони Абдурауфни эслаб, йигин ўтказдик. Одил Бадахший шахид кетган дўсти ҳақидаги хотираларини бизга сўзлаб берарди ва унинг ноҳақ шахид бўлганидан афсус чекарди.

Киш эди. Рухсат берилса мен Вата-нимга қайтишим керак. Ҳар тонг Муқур-даги самолётлар парвозини кутиб тура-миз. Эртаси мен Одил Бадахшийга қўнги-роқ қилиб кетишим ҳақидаги хабарни ет-каздим. У хурсанд бўлди. У бизни тўпчи-лар қароргоҳига боришимизни хоҳлади. Мен маслаҳатчи Светков Владимир Ива-нович билан зирҳли кийимларда Одил Ба-дахшийнинг хузурига бордик. Мен унинг ташқарига чиқишини интизорлик билан кутардим. Биродарлардек қучоқлашиб ҳамма билан салом-алик қилдим.

Нурали САҒАФОВ.
(Тожики тилидан
Н.Жўракулова таржмаси).
Давоми келгуси сонда.

АВВАЛАҲИ, ОХИРАҲИ
ДАР ЧАМРОҲИ, ЭЗЗАҲИРА

–Хайр аст! Аз но-умедихо бaсе умед хaст поёни шаби сия сафед хaст, – гир-танд одамони хирдаманд. О ин шўрa-вии... Ўро чи қор буд, ки нерўҳои низомии хешро ба Ватани мо ворид на-муд. Гўё байни ашшорро мардум та-фоҳуми сулҳро подор мекардабо-шад? Хобашонро ба об гўянд! Акси калла ба шўрбо афтидагӣ бар ин ин воқаҳо боз ба авчи алояш расид. Шўравӣ беҳуда ҳазоро-ҳазор сарбо-зони худро дар ин набардҳои бема-вқеъ бой дод. – Шумо Панчшер ном мавзеи Афғонистонро шунидает? Ин мавзея яке зеботарин минтақаи киш-вари мост. Дар ин дараи зебо Аҳмад-шоҳи Панчшерӣ ном чавномарди да-лери ғаюр зиёда бо ду ҳазор асоки-ри хеш ба муқобили 10-12 ҳазор қув-вахои низомии шўравӣ ҷанг мекунад. Илова бар он, шўравийҳо садҳо тай-ёраҳои бамандоз доранду шабу-рӯз ба ин манотик ҳахлоҳо марговар мезананд. Вале Аҳмадшоҳи Панч-шерӣ ба муқобили онҳо истодагарӣ карда асокири шўравихоро намено-нан, ки ақ қадам пеш раванд. Чиро-лҳои шўравӣ аз шучоату мардонагии ин марди далер тан дода ўро “Шери Панчшер” ном ниҳодаанд. Боре як паёмнигори фаронсавӣ ба ў суол ме-кунад, ки “ Аҳмадшоҳ, ту бо ин қув-вахо нерўяд то қай ҷанг хохӣ кард?” - Ў меғўяд, то нерў дорам аз доираи қуллоҳам дар Ватанам замин монад, бо душманон ҷанг хоҳам кард. Дар бораи қорномаи ин марди шераф-канд. Ривояту шеърӯ дostonҳои зиё-деро аз забони халқ гуфта шуда. Ҳол-донҳо меғўянд Аҳмадшоҳ Масъуд боре дар як набарди сахту санги-не ашк рехта бошад.

Воқеъа чунин сурат мегирад:
Дар як набарди сангине сарбозо-ни Аҳмадшоҳ ақибнишинӣ мекунад. Худи ў низ дар паноҳгоҳе паноҳ меё-бад. Ин дам аёле кўдаке дар даст, дар зери тир борон бо самти Аҳмад-шоҳ меояд. Модари бечора бо азобе худро дар паноҳгоҳ мерасонад. Аҳмадшоҳ ин ҳоли зори модару қўдакро дида ба вай қўмак мекунад. Ин дам кўдаки ғурусна аз даст мо-дари хеш раҳошуда, даст ба алафе бурда онро ҳарисона ба даҳон ме-занад. Аҳмадшоҳ кўдакро ба даст ги-рифта ба оғуши модар медиҳад. Ва ҳаҳим лаҳза Аҳмадшоҳ бо дил меғў-яд, ки шояд ин лаҳза занак ба сари ў дод зада – “Ана оқибати қаҳрамо-ниҳо ту, ҳамаоро ба ҷанг сафарбар

КУЙДИРГИ КАСАЛЛИГИ

Одамлар ва иссиқ қонли хайвон-лар учун хавфли бўлган юқумли касалликлардан бири куйдирги касаллиги бўлиб, бу касаллик билан барча турдаги қишлоқ ҳўжалик ҳамда ёввойи хайвонлар касалланади ва у одамларга асосан касал хайвонлар билан мулоқот қилиш вақтида, куй-дирги касаллигидан ўлган хайвонлар-нинг махсулотларини истеъмол қилиш оқибатида юкади.

Куйдирги қўзғатувчиси ташқи муҳитга тушгандан сўнг спора ҳосил қилади. Спора ҳосил қилган касаллик қўзғатувчили-ри ташқи муҳит таъсирига жуда чидамли бўлиб, тупрокда 80 йил ва ундан кўпроқ муддатгача ўзининг касаллик қўзғатиш қобилиятини сақлайди.

Касал хайвон ўзининг ахлати, сийди-ги, сўлағи билан ташқи муҳитни касал-лик қўзғатувчиси билан ифлослантира-ди. Касаллик, асосан шиддатли, ўткир, сурункали кечиши мумкин. Бу касаллик-нинг белгилари тана ҳарорати тез кўта-рилиши (41-42 даража), нафас олиш ва юрак уришининг тезлашиши, ҳолсизла-ниш, ўлган хайвоннинг бурун тешигидан қонли қўпик, орқа тешикларидан қон кели-ли ва қоннинг ивимаслиғи, ўлган хай-вон гавдасининг қотмаслиғи ва тез ши-шиши, тез фурсатда хайвон ўлиши, қон-нинг қуюқ ва қора бўлиши, ички орган-лардан талокнинг 3-4 марта катталаша-ши, жигар, буйрак ва юракда қон қуй-лишлар кузатилади.

Бу касалликдан инсон ва хайвонлар-ни сақлаш учун, яъни эпизоотик ҳамда эпидемиологик барқарорлиқни сақлаш учун барча қишлоқ ҳўжалик хайвонлари-ни доимий равишда ветеринария кўри-гидан ўтказиб туриш ва куйдирги касал-лигига қарши эмлаш зарур. Шахсий ҳўжаликларда, қушхоналарда сўйилла-диган молларни ветеринария мутахассиси кўригидан ўтказиб, сўйиш ва истеъмол қилиш тавсия этилади.

А. КЕНЖАЕВ,
Бойсун туман ветеринария ва чорва-чиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи.

Н. АБДУМУРОДОВ,
Бойсун туман санэпид бўлими бошлиғи.

Ёдномаҳо

ҶАНГЕ, КИ БАРОДАР БА МУҚОБИЛИ БАРОДАР МЕҶАНГИЛ

кардиву мову кудаконамон имрӯз аз гуруснагӣ ҳалок мегардем. Вале хи-лофи андешаи ў занак бо таҳаммул меғўяд. –Хайр аст, хору хас ҳўрем, вале хоки Ватанро надихем ин баро-ямон фаҳр аст. Баъдӣ шунидани ин ҳарфҳои ватандўстонаи ин модар, Аҳмадшоҳ Масъуд худро дошта таво-ниста рӯ ба сўи қуллоҳо оварда но-аён талх мегирад.

–Ҳа, бародари қанд, Ватани мо, чу-нин қаҳрамонҳои бемислу монанда доранд, - гўён андешамандона боз су-ханашро идома дод.

–Меғўянд, худам низ пеши худ аз наздикон ва қарибонаш шунидан, ки бобоҳои ин марди далер аз Даҳбеда Самарқанд буда, баъдӣ даргириҳо ав-лодҳои ў идае ба Дарвози Бадахшон ва қисми зиёди онҳо ба дараи Панч-шерӣ манзилу макон мекунад. Фар-дҳое, ки аз ин воқеъа огоҳидоранд ўро Аҳмадшоҳи Самарқандиаш мехонанд. Аҳмадшоҳ Масъуд дар байни аҳолии ин барзу бум маҳбубияти зиёде до-рад. Сокинони ин диёри афсонавӣ дар ситоиши ў шеърӯ дostonҳои зиёде гуфтаву он дар зехни одамон ҳамчун тимсоли марди шучоу-далер ситоиш карда шуда. Шоири ин диёр Латифи Пидром ин шеърӯ дostonҳоро ғун кар-да чанд китобе нашр кардааст. Вале сад афсўс, ки ҳукумати имрӯза ва шўравихо ўро “душманаш” хондаанд. Вале мардуми Хуросону Афғонистон шучоату далерии ин марди шерафкан-ро ҳеҷ гоҳ фаромўш нахоҳанд кард. Ман шарифона бароятон меғўям, ки агар ў ва ҳамсангаронаш сари қудрат оянд, дар диёри мо солху амонӣ хо-ҳад омад. Дар байни мо хаспарастон қаҳрамонҳои ин марди таърихиро рад мекунад, ўро наҳ мезананд. Надо-нам, ин зухурот дар як давраи кўтоҳ аз қучо сарзад, одамон ақдигарро чаш-ми дидан надоранд. Худо ба ҳамагон имони қомил диҳад. Шояд рўзе диёри мо орому осоиш ёбаду мардум аз як гиребон сарбароварда, баҳри барқа-рориву зиндагии пурнишот қору пай-кор кунанд.

–Боқӣ ҳаҳим, бародари қанд! Агар дар ин набардҳо Худо ниғаҳбонамон бошад, сўхбатро идома хоҳем дод. Сабоҳ қорҳои зиёдаанд. Хайр, то субҳи дигар, бародари қанд, -гўён ба ман-зили хоби хеш рафт. Ман низ аз пайи хоб овора шудам...

Нурали РАҶАБ.



Ҳарду хандидем. Дўст дорӣ? – пурсида-мат боз. Дорам, қавоб додӣ. Кист? Намер-ўям. Баъдӣ андаке бо табассум афзудӣ. Шеърҳоям ҳама дўстҳои мананд. Ман дўсту душманро ба офтобу соя монанд мекунам гуфти. Дўст ҳамеша ба сўи оф-тоб ниғаҳ мекунад. Душман ҳамчун соя ба ақиб менигарад. Ин лаҳза чизе ба хотират омад магар дарҳол “Офтоб ва соя” ном шеъратро рӯи қоғаз овардӣ. Ман ҳам ба ин санъати беаҳмтоят ба завқ омада гуф-там. “Мана ман офтоб ту соя дар бари ман”. Чунон баланд хандидӣ, ки то ҳол он хан-дади бегубори туро фаромўш карда наме-тавонам. Пурсидамаст. Шеър дар қалб аст, ё...? Гуфти намедонам. Ин қавобат ба ман хеле маъкул шуд. Чунки баъзе фоизилу фу-

навӣ бардошта худ низ бо ҳозирҷавоб буд-дан қўиши мекард. Бо қўишу ғайрати ў ва дигар эҷодкорон дар шаҳри Тирмиз як силсила мардуми эҷодкорро ҷамъ наму-дан, тарғиби эҷоди онон дар телевизи-он, радиову рўзнамо маҳз дар қато-ри дигарон Шароф ҳам хизмати ар-занда намудааст.

Ҳангоме, ки Шароф сарвариин шўъбаи вилоятии “Ўзбекконсерт”-ро ба ўхда дошт рўзе бо мутахассиси варзидаи худ раҳмати Баҳодур Мав-лонов ба ноҳияи Бойсун мераванд. Баҳодур ака низ марди шўх ҳозирч-авоб буд. Иттифоқо, дар маркази ноҳия дар назди бинои маданият чашми Шароф ба ту меафтад.

Давом дорад

**Куйлаётган дўмбирам тори,
“Салом сенга “Бойсун баҳори!”
Тинчлик, дўстлик анжумани бу,
Қалбга яқин “Бойсун баҳори”.
(Т.Бўриев)**

Бундан анча йиллар муқаддам академик Поль Бернер сўлим Бойсун ҳақида куйидаги таърифни берган эди: “Агар Худо рўйи заминда жаннат рамзи тимсоли ўлароқ Сурхондарёни танлаган бўлса, шубҳасиз, Бойсунни ўзи учун тахт қилиб яратган”.

Мана шу жаннатмакон заминда ўн кун давом этган “Бойсун баҳори” халқро фольклор фестивали бу жаннат ичра қанчалик жавахирлар яширин эканлигини яна бир бор дунёга овоза қилди. Бир жавахирларки, Бойсун эли уларни узоқ асрлар оша мисқолаб йиғиб, асраб-авайлаб келяпти. Хатто бу жавахирларни моддият билан ҳам ўлчаб, чамалаб, баҳолаб бўлмайди. Шунинг учун бу жавахирлар, бу бойликларни бутун дунё ахли, нуфузли халқро ташкилотлар “номоддий бойликлар” деб эътироф этишган.

Аслида, Бойсун заминидан яралган номоддий бойликлар

каби маданий жавахирлар дунёнинг бошқа макон ва бошқа гўшаларида ҳам моддият билан баҳоланмаган. Чунки халқ яратган ва ўша халқ маданий меросига айланган маданий бойликларни баҳолашнинг чегараси ҳам, мезони ҳам йўқ...

Маданият, маънавият ва адабиётга яқин инсон сифатида ўзим ҳам фестивални бевосита ўша жойининг ўзидан кузатдим, томоша қилдим, турфа мулоқотлар, учрашувлар гувоҳи бўлиб, таҳлил қилдим. Фестивал руҳини “Биби-ширин” маҳалласида вилоят ҳокими Улуғбек Қосимов ташаббуси билан барпо этилган туризм мажмуасига кирибоқ ҳис этасиз. Нақадар бетакрор архитектура ансамбли. Ҳаммаси пухта ўйлаб барпо этилган. Бир қарашда ҳар бир туман ҳудудидаги кўрғонларда туман, шаҳар ҳокимликлари, ташкилот-корхона раҳбарларидан бошлаб ходимларнинг меҳнати, машаққати махсулига, икки ой



кеча-кундуз тинимсиз давом этган изланишлар натижасига гувоҳ бўласиз. Айниқса, туманимиз ҳокими Б.Шукуров, ҳоким ўринбослари

бошчилигида ташкилот-корхоналар ходимларининг фестивалга тайёргарлик жараёнидаги иштироклари – бу ҳақиқий ватанпарварлик, халқимиз маданий меросига булган ҳурмат-эътиборнинг ёрқин намунаси деб аташ мумкин.

Ўн кун давомида бу муқташам мажмуада меҳмонлар, томошабинлару сайёҳлар аримади. Халқимиз дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган бадий жамоаларнинг чиқишлари орқали турфа халқ, турфа миллат-



ФЕСТИВАЛ ТАШКИЛОТЧЛАРИДАН МИННАТДОРМИЗ

ларнинг бой маданий мерослари, санъати, маданияти, урф-одатлари билан танишдилар. Дўстлик, биродарлик ришталари боғланди. Сурхон воҳаси, жаннатмакон Бойсун тимсолида меҳмонларда Она Ватанимиз - Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурлари янада бойиди.

Фестивал давомида биз дунё халқлари маданияти, анъана ва миллий урф-одатларида ўзига хос ўхшашликларни ҳам кўрдик. Айниқса, Осиё мамлакатларидан таш-

риф буюрган жамоаларнинг миллий либосларида Марказий Осиё давлатлари халқларининг зардушлик, каштадўзлик каби халқ амалий санъати намуналарининг ўхшаш жиҳатларига гувоҳ бўлдик. Бу ўхшашликларда мен олис тарихда Буюк Ипак йўли орқали халқларнинг бир-бири билан ўзаро маданий, ижтимоий жиҳатдан ҳамкорлик қилганларининг таъсирини кўргандек бўлдим. Шу жиҳатдан, гўё мен учун “Бойсун баҳори” дунё халқларини яна бир бор маданий, ижтимоий, ҳунармандчилик, санъат соҳасида ҳамкорлик ва бирдамликка чорлаётгандек туюлади. Яъни, фестивал халқларо маданий маърифий кўприк, робита воситасини ҳам бажараяпти десак муболаға бўлмас.

Юкорида таъкидлага-

нимдек, бойсуниклар, бутун Ўзбекистон ва дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун ажойиб маданият, санъат, урф-одатлар ва қадриятлар туташувини кўрсата олган фестивални тақдим этган барча ташкилотчилар, назаримда ўз олдларига қўйган мақсадларига аъло даражада эришдилар, деб айта оламиз. Зеро, фақат уларнинг машаққатли сайёҳ-ҳаракатлари билангина биз мана шундай халқро даражадаги анжумани кўришга, томоша қилишга, завқ олишга сазовор бўлдик. Ўз ўрнида бу каби эътирофларни биз фестивал давомида хориждан келган меҳмонлар, иштирокчилар ва бадий жамоалардан ҳам эшитдик. Шахсан ўзим ҳам барча ташкилотчиларга, уларнинг захматли меҳнатларини эътироф этган ҳолда ўз миннатдорчилигимни билдираман. Ишончим комилки, уларнинг сайёҳ-ҳаракатлари билан “Бойсун баҳори” орқали Бойсун дунё фольклор маданияти марказларидан бирига айланажак.

Дилбар ЙҮЛДОШЕВА.

ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ – КЕЛАЖАК САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

Тумандаги 4-сон умумтаълим мактабида ҳафтанинг ҳар пайшанба кунини Президентимиз ташаббуси билан ташкил этиладиган ёшлар билан учрашувлар эзгу мақсадлар сари йўналтирилган муҳим маънавий-маърифий анъанага айланиб бормоқда.

Ушбу учрашувлар ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, билимга интилиш, касбга ҳурмат ва юксак маънавий туйғуларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бўлиб ўтаётган учрашувлар давомида мактаб ўқувчилари билан очик мулоқотлар, давра суҳбатлари, маърифий тадбирлар ва қизиқарли учрашувлар ташкил этиляпти. Унда устозлар, соҳа мутахассислари, ижодкорлар, маҳалла фаоллари ҳамда турли касб эгалари иштирок этиб, ўз ҳаётий тажрибалари, билим ва тавсиялари билан ўқувчи ёшларни ҳаётга тайёрлаш, уларнинг қизиқишларини таҳлил қилиш ҳамда касб танлашда тўғри йўл кўрсатиш борасида фойдали тавсиялар бериб келишади. Учрашувлар, шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни турли ёт гоғлардан асраш ҳамда жамиятда ўз ўрнини топишга кўмаклашаётганлиги билан ҳам аҳамиятлйдир. Мак-



таб жамоасининг бу борадаги ташаббуслари эса ота-оналар ва жамоатчилик томонидан юқори баҳоланмоқда.

Мазкур ҳафталик учрашувлар шунчаки оддий тадбир эмас, балки ҳар бир ўқувчи қалбида эзгулик, мақсад ва ғайрат уруғини қадовчи ўзига хос маънавият дарсидир. Зеро, ёшлар билан ишлаш – келажак учун ишлашдир. Келажакни порлоқ юрт эса айнан ана шундай билимли, маънавиятли ва ташаббускор ёшлар томонидан бунёд этилади.

**Марварид РАВШАНОВА,
Далер РАШИДОВ,
4-сон умумтаълим мактаби ўқитувчилари.**

**Tarix sahifalarini varaqlar ekanmiz,
buyuk uyg'onish davrlari hech qachon
tasodifan yuz bermaganligini anglaymiz.
Har bir renessans ortida ilmga chanqoq**



**avlod, tafakkuri uyg'oq yoshlar va kelajak
uchun yonib yashagan insonlar turgan.**

Bir zamonlar Muhammad al-Xorazmiy algebra faniga qo'shgan hissasi bilan dunyoni hayratga soldi, Abu Ali ibn Sino ilm bilan insoniyat tafakkuriga nur olib kirdi, Mirzo Ulug'bek esa yulduzlarni o'rganib, osmon sirlarini ochdi. Ularning barchasi bir vaqtlar orzu qilgan, izlangan, yiqilgan va ilm-fan orqali taraqqiyot sari to'xtamagan yoshlar edi. Bugun esa tarix asrlar aylanib yana yangi sahifa ochmoqda.

Bu sahifaning nomi – Uchinchi Renessans! Xo'sh, bu buyuk poydevorni kim quradi, kim barpo etadi? Albatta, bugungi yoshlar! Rivojlanayotgan davr kelajak egalaridan shunchaki rasmiy hujjat – diplom yoki kasb emas, tafakkur, haqiqiy ilm talab qilmoqda. Endi

zamonaviy dunyo qo'l kuchi bilan emas, aql va bilim bilan boshqarilayapti. Kim izlanishda bo'lsa – oldinga chiqadi. Bugun chekka qishloqda o'tirib chet tillarini o'rganayotgan bir qiz, laboratoriyada tajriba o'tkazayotgan oddiy talaba yoki maktabda kitobdan boshini ko'tarmayotgan o'quvchi, aslida, Uchinchi Renessansning haqiqiy bo'lg'usi me'morlaridir. Chunki buyuk taraqqiyot dabdabadan

emas, ilmga bo'lgan muhabbatdan, tafakkurga to'la dunyoqarashdan boshlanadi. Millatning qanday yashashi, qanday fikrlashi va qanday darajadagi cho'qqiga chiqqan olishi avvalo o'sha millatning yoshlarga, o'shanday barkamol avlod uchun imkoniyatlar yaratib berayotgan mustaqil yurtga va yurtboshiga bog'liq.

Joriy yilning 20-aprelida muhtaram Yurtboshimiz “Yangi O'zbekiston yoshlari - 2030” strategiyasi loyihasi yuzasidan taqdimot bilan tanishdilar. Qayd etilishicha, mazkur hujjat mamlakatimizda yoshlarga oid qabul qilinayotgan birinchi yaxlit strategiya bo'lib, Yangi O'zbekistonda barpo etishda yoshlarning o'rni va salohiyatini yanada to'liq ro'yobga chiqarishga qaratilgan. Strategiyada yoshlar bandligini ta'minlash, tadbirkorligini qo'llab-quvvatlash, sifati va inklyuziv ta'limni rivojlantirish, kasbiy ta'limni kengaytirish, mehnat bozorini rag'batlantirish hamda yosh oilalarni qo'llab-quvvatlash, madaniy, jismoniy va ma'rifiy rivojlanishni kuchaytirish, ochiqlik va ishtirok

mexanizmlarini kengaytirish kabi ustuvor yo'nalishlar belgilangan. Bundan tashqari, barcha yoshlarning o'qish va mehnat faoliyati hisobga olinib, “Yoshlar daftari” orqali amaliy yordamlar berish ko'zda tutilgan. Ayni paytda “Har bir tadbirkor - yoshlarga madadkor” tamoyili asosida tajribali tadbirkorga bir nafar ishsiz yosh birlashtirilib, uni kasbga va biznesga o'rgatish amalga oshirilmoqda. Qabul qilingan strategiyaga ko'ra endilikda o'zini-o'zi band qilgan yoshlar uchun 100 million so'mdan 300 million so'mgacha kreditlar ajratish belgilandi.

YOSHLAR UCHINCHI RENESSANS BUNYODKORLARI

Bugungi yoshlar oldida ikki yo'l turibdi: biri – vaqtini, kuchini, imkoniyatlarni behuda sovrish, ikkinchisi esa ezgu ishlari, amallari bilan Beruniylardek, Ibn Sinolaru Manguberdilardek o'z nomini tarixda qoldirish. Tarix esa hech qachon loqaydlarni eslab qolmaydi. U faqat harakat qilganlarni, o'z xalqi, yurti, Vatani uchun fidoyi bo'lganlarni, ular uchun buyuk ishlar, buyuk amallarni qila olganlar va o'chmas nom qoldirganlarnigina yodda saqlab qoladi.

Prezident, xalq bugungi yaratuvchi yoshlarimizga ishonayпти, ularning iqtidori, bilimiga suyanayпти. O'z imkoniyatlarini ko'rsata olishlari uchun barcha eshiklar ochib qo'yilayпти. Demak, shundan kelib chiqib, bugungi yoshlar tomoshabin emas, tarix yaratuvchilariga aylanishlari kerak. Bu tarix oddiy tarix emas – dunyo hayrat bilan kuzatayotgan Yangi O'zbekiston tarixi bo'ladi.

**Saltanat SALIMOVA,
TerDU o'zbek filologiyasi fakul'teti, filologiya va tillarni o'qitish o'zbek tili yo'nalishi, 4-bosqich talabasi.**

**Muhayyo RAMAZONOVA,
4-son umumta'lim maktabi ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi.**

Кўлимда олис йиллар хотираларини эслатувчи ок-қора тасвирдаги униккан фотосуратлар...

Туманимиз маънавий-маърифий ҳаётида ўзига хос из қолдириб кетган устозлар. Илк кутубхоналар фаолиятини йўлга қўйган фидойи инсонлар. Уларга боқиб, олис йиллар Бойсунда илк кутубхоналар фаолияти бошланган дамларни, бу фидойи инсонларнинг ўша замонлардаги захматли меҳнатларини тасаввур қиламан. Тўғри, мен ва менинг ҳамкасбларим ўша йилларда ҳали туғилган ҳам эмасдик. Шу боис улар ҳақида кутубхонамиз архивига сақланган ҳужжатлар ва мана шу суратлар орқалигина маълумотларга эгамиз. Афсуски, ташкил этилганга ҳа демай бир аср бўлаётган кутубхонамизнинг дастлабки ташкилотчилари ҳақида тўлиқ маълумотлар мавжуд эмас. Бироқ, бор маълумотлар билан ҳам Бойсун кутубхоначилиги тарихи жусусида анча-мунча тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Бойсунда дастлабки кутубхона 1929 йилда 154 та китоб жамғармаси билан ташкил этилган. 1950 йилга келиб эса район болалар кутубхонаси ҳамда кишлоқ шўролари таркибида 4 та кутубхона ташкил этилади. Фақат 1970 йилга келибгина марказлашган кутубхоналар тизимини йўлга қўйиладди ва унинг таркибида 1 та район кутубхонаси, 1 та болалар кутубхонаси, 1 та махсус кўзи ожизлар кутубхонаси ва 26 та тармоқ кутубхоналари фаолият бошлайди. Таъкидлаш жоизки, илк кутубхона ўша пайтдаги деҳқон бозори ёнида, бир хонадан иборат бинога жойлаштирилган. Ушбу кутубхона жуда кам китоб фонди ҳамда деярли ҳеч бир шароит йўқ қулбада ташкил этилишига қарамай, аҳолининг саводхонлигини ошириш, китобхонлик маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этган дастлабки маданий-маърифий маскан сифатида тарихда қолди.

Бу даврда кутубхоналар асосан бадий ва маърифий адабиётлар билан бойитилиб, аҳолига хизмат

БОЙСУН КУТУБХОНАСИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

кўрсатишни бошлаган. Кутубхоначилар китобларни тартибга солиш ва китобхонларни кутубхонага жалб қилишга алоҳида эътибор қаратганлар. Кейинчалик кутубхоналар фаолияти аста-секин кенгайиб, кишлоқ ҳудудларида ҳам китобхонларга хизмат кўрсатиш йўлга қўйила бошланган. Ҳатто кўчма кутубхоналар ҳам ташкил этилиб, аҳолининг деярли барча қатламларини қамраб олиш тадбирлари амалга оширилган.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг кутуб-



хоналар фаолиятида ҳам ислохотлар амалга оширилди бошланди. Натижада кутубхона фондларини тўлдиришда жаҳон адабиётлари қаторида миллий адабиётлар сонини кескин оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижаси ўлароқ, ислохотлар даврида кутубхоналар жамғармаси 196814 тага етказилди. Китобхонлар 22805 нафар, қатновлар 278382 тага етказилиб, китоб берилиши 437040 тани ташкил этган. Бу



тижаларнинг асосий омилли фидойи ва ўз касбининг устаси бўлган кутубхоначиларнинг сайёҳ-ҳаракатлари ҳамда касбига бўлган эътиқоди эди.

Кўриниб турибдики, туман кутубхонасининг бугунгача ўтган қарийб юз йиллик фаолияти бир неча ўзига хос босқичлардан иборат бўлган. Жумладан, бугунги кунларда кутубхонамиз яна бир муҳим босқич – замонавий тараққиёт босқичига қадам қўйган. Мазкур босқичда туман Ахборот-кутубхона маркази замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланиб, электрон хизматлар йўлга қўйилди. Рақамлаштириш фаолиятимизнинг деярли барча жабҳаларини қамраб олди. Айни пайтда марказимизда 4 та хизмат кўрсатиш турлари йўлга қўйилган. Марказ раҳбари Муҳиддин Абраев бошчили-

гидаги 14 нафардан иборат кутубхоначи-ҳодимлар туманимиз аҳолисига сифатли кутубхона хизматини кўрсатиш учун барча чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, биз бутун бир жамоа сифатида марҳум ҳамда бугунгача ҳаёт бўлган устозларимиз изидан бориб, халқимизга маънавият, маърифат улашиш, ҳар бир хонадонга китобхонлик маданиятини олиб кириш, ёшларни китобхонликка ўргатиш борасида давлатимиз раҳбари биз кутубхоначилар олдида қўйган вазифаларни бекаму кўст адо этишга интиляпмиз. Устозларимиздан фарқли ўлароқ биз бугун энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган, қулай шароитлар яратилган кутубхоналарда фаолият кўрсатаяпмиз. Бир жиҳатдан, бизнинг маълум бир тажрибага эга бўлишимизда ўтган устозларимизнинг хизматлари биз учун бекиёс ва барчамиз бу хизматлар олдида улардан қарздор-миз.

Ушбу мақола орқали кутубхонамиз ўтмиши тарихига назар солар эканмиз, Бойсун кутубхоначилиги тараққиётига ҳисса қўшиб кетган Робия Шомирзаева, Норбиби Равшанова, Ҳаловат Нажмиддинова, Раҳима Норқобилова, Норхон Тўраева, Мастура Омонова, Гулчехра Ахорова, Назокат Раҳмонова, Турсун Салимова, Жуманазар Даминов, Зиёда Ҳўжаева, Тугал Тоғаева ва бошқа ўнлаб устозларимиз номларини алоҳида тилга олишни бурчимиз деб биламиз ва улар билан ҳамisha фахрланамиз.

**Ҳабиба АКБАРОВА,
Бойсун туман Ахборот-кутубхона марказининг Або-номентлар ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш хизмати раҳбари.**

Ушбу мақолаи тайёрлашда яқиндан ёрдам берган устозимиз Зиёда опа Худойқуловага ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

BOYSUN MUASSISLAR: Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligi	BOSH MUHARRIR Davron OROPOV NAVBAATCHI: N. JO'RAQULOVA. Internet materiallaridan foydalaniladi.	Gazeta 2012-yil 2-fevral viloyat Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-043-raqam bilan ro'yxatga olingan. Indeks: 64622 Bahosi kelishilgan narxda. ISSN 2181-7073	Hajmi - 2 bosma taboq. Bichimi A-2 Chop etishga topshirish vaqti - 17⁰⁰ Topshirildi - 16⁰⁰ Adadi : 1400 Buyurtma № Gazeta sifatiga bosmaxona mas'ul - tijorat materiali.	Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan tarq qilishi mumkin. Qo'lyozmalar egasiga qaytarilmaydi, yozma javob berilmaydi. “BOYSUN” gazetasidan materiallarni ko'chirib bosish muharririyat roziligi bilan amalga oshirilishi lozim. Gazeta oyiga ikki marta o'zbek va tojik tillarida chop etiladi.	TAHRIRIYAT MANZILI: 190401, Boysun, Zartepa ko'chasi, 37-uy. Telefonlar: 76-33-51-368, 99-733-06-59 e-mail: boysun@umail.uz Gazeta «Boysun» tahririyati kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Gazeta “Surxon tongi” va “Zarya Surxana” gazetalarini bosmaxonasi chiqariladi. Manzil: Termiz shahri Shukrona ko'chasi 19-A uy.
---	---	--	---	--	--